

ШАРТНОМА
Почта маркаси ва почтага тегишли бошқа
товарлар билан таъминлаш хусусида

№ 15

«03» 02 2022 йил

Тошкент ш.

Ушбу шартнома «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали (келгусида «Почта» деб юритилади) номидан 28.20/38 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи директори Ю.М.Мирсоатов шахси оркали бир томондан, Низомга асосан иш юритувчи Молия Вазирлиги ҳузуридаги Сувурта Бозорини ривожлантириш агентлиги директори Шамшинов В.К. иккинчи томондан (келгусида «Харидор» деб юритилади), мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартнома моҳияти

1.1. «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали томонидан стандарт маркаларни, товарларни етказиб бериш.

1.2. Етказиб бериладиган товарни шартнома тузиш вақтидаги миқдори нархи ва етказиб бериш муддати шартноманинг иловасида келтирилган.

2. Ҳисоб китоб қилиш тартиби

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС	Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
<u>Шаршор</u>		<u>150</u>	<u>×38000</u>	<u>= 5700000</u>	<u>ҚҚС сиз</u>	
		<u>10</u>	<u>×158000</u>	<u>= 1580000</u>	<u>ҚҚС сиз</u>	
Жами тўлашга:		<u>160</u>				

2.1. «Харидор» олинган товарлар учун олдиндан 30 % ни «Почта» ҳисоб рақамига тўлаб беради.

2.2. «Почта» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 5 кун муддат ичида товарни «Харидор»га беради.

2.3. «Харидор» такдим этилган ҳужжатларга асосан 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қолган 70 % тўловни белгиланган тартиб асосида тўлаб беради.

2.4. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор» ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1.1. «Почта»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.1.2. «Почта»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган, буюртманоммага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган товарларни талаб қилиш.

3.2. «Почта»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.2.1. Етказиб бериладиган товарлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил кесил ҳисоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш.

3.2.2. Товарларни мазкур шартномага асосан «Харидор» буюртномасига мувофиқ муддатларда, сифат ва миқдорда етказиб бериш

3.2.3. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Тарафлар ушбу шартномага илова қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий шартлар”ни бажарилишини таъминлайди.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Почта», «Харидор» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.2. Етказиб берилган товарлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» «Почта»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 % миқдорда пеня тўлайди, кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товарни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайл етказилган зарарлар қопланишидан озод этилмайди.

5. Томонларнинг келишмовчилик ва баҳсларини ҳал этиш

5.1. Ушбу шартномани бажаришда келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

5.2. Ушбу шартномани бажаришда келиб чиқадиган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

6.2. Мазкур шартнома томонларнинг бири иккинчисини бир ой олдин огоҳлантирилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

6.3. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга.

6.4. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

7. Форс-мажор

7.1. Томонлар мазкур шартнома тузилгандан сўнг олдиндан кўзда тутилмаган, оқилона, чоратadbирлар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар натижасида мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли тарзда бажара олмаган бўлсалар, ушбу шартномадаги мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажаришдан озод этиладилар.

7.2. Бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар вужудга келган вазиятларда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари йўқолган кунга қадар узайтирилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.


«Почта»
“O‘ZBEKISTON POCHTASI” AJ
“TOSHKENT POCHTAMTR” FILIALI
100000 Toshkent, Shahrisabz ko'chasi, 7-uy
X/R 2021 0090 3001 5526 6055
ATB "ALOQA BANK" MFO 00401
INN 200 833 833 XXTUT 53100




(имзо)

«Харидор»

Момея Вазирова ҳузуридаги
Сувурта Бозорини раёонлантириш агентлиги
Манзил: Тошкент ш., Истиқлол кўчаси, 29-уй
Тел.: 71-203-00-75
К/с/с/т: 401010860262667047905092001
ИНН: 307009985
Момея Вазирова таъин қилинган
Х/Р: 23402000300100001010
Тошкент ш. ИИБ Х/К/М МФО-00014
ИНН 201122519 (имзо)



Юрисет: [Signature]



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHNOAMA

Reestr № 10-001310

№ 001310

2014 yil "06" avgust

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKISTON POCHTASI"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Akslyadorlik jamiyati

THSHT (ONΦ)

1151

Mulkchilik shakli:

Akslyadorlar

MSHT (ΦC)

144

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

OLOY KO'CHASI, 1-UY

MHBT (COATO)

1726266

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKHO)

14842719

Asosiy faoliyat turi:

Pochta aloqasi

XXTUT (OKOHX)

52100

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (MHII)

200833833

Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL, 2004 YIL 11 OKTABRDA RO'YHATDAN O'TGAN

Vakolatlil organ boshlig'i:

V.K.Mamedov



QIYINCILASHI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QONUN TAJRUBASIDAN
TA'GIBILMADI



meja pce